

21. Чужмарова С.И., Зверева Е.Н., Чужмарова А.А. Анализ результативности выездных налоговых проверок в Российской Федерации. Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление. 2021. (4). С. 52-60. <https://doi.org/10.18323/2221-5689-2021-4-52-60>.

22. Кожанчиков О.И., Кротова А.С., Суворова А.С. Необходимость камеральных и выездных налоговых проверок, их сравнительный анализ. // Научные исследования: проблемы и перспективы. 2020. С. 71-76.

23. Осипова Е.С. Оценка эффективности выездных налоговых проверок: методики и показатели. // Налоги. 2020. №. 5. С. 31-35.

24. Малис Н.И. Теория и практика налогообложения. Учебник. / Н.И.Малис, И.В.Горский, С.А.Анисимов; под ред. Н.И.Малис. – М.: Магистр; Инфра-М, 2019.

25. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.

26. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.

27. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.



СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ҚОЧИШДА ТАҲЛИКА-ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Файзийев Орифжон Олимович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
мустақил тадқиқотчи

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a52

Аннотация. Мазкур мақолада солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ хавфини таҳлил қилиш ва натижаларини баҳолаш бўйича таҳлика-таҳлил методикасидан фойдаланиш бўйича тадқиқот олиб борилган, таҳлика-таҳлилнинг хоризж тажрибаси ўрганилган, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АНАЛИТИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ПРИ УКЛОНЕНИИ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ

Файзийев Орифжон Олимович -

Ташкентский государственный экономический
университет, независимый исследователь

Аннотация. В данной статье широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и передовых автоматизированных методов анализа в процесс налогового администрирования обеспечивает всестороннюю помощь налогоплательщикам в исполнении их налоговых обязательств и разработку эффективных механизмов профилактики налоговых правонарушений, как а также анализ анализа налоговых рисков и оценка результатов проведены исследования по использованию методики, изучен зарубежный опыт анализа рисков и сформулированы научно-практические выводы и предложения по ее применению в нашей стране.

Ключевые слова: налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

WAYS TO USE ANALYTICAL TECHNIQUES IN TAX EVASION

Fayziyev Orifjon Olimovich -

Tashkent State University of Economics,
independent researcher

Annotation. In this article, the widespread introduction of modern information and communication technologies and advanced automated analysis methods in the process of tax administration provides comprehensive assistance to taxpayers in fulfilling their tax obligations and the development of effective mechanisms for the prevention of tax offenses, as well as an analysis of the analysis of tax risks and evaluation of the results. on the use of the methodology, studied foreign experience in risk analysis and formed scientific and practical conclusions and proposals for its application in our country.

Keywords: tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, tax incentives, tax rate.

Кириш. Республикамизда ҳозирги даврда солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида солиқларнинг таҳлили янги илмий-амалий соҳа бўлишига қарамасдан, унинг аҳамияти ўзига хос ўринга эга. ДСҚнинг асосий мақсади солиқлар, солиқ тизимига ишончни тўплашдир. Шунинг учун солиқ маъмуриятларида солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик, маҳсулотларнинг реализация баҳосини сунъий равишда пасайтириш, “бир кунлик фирма”лар фаолиятига барҳам бериш механизмини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари экспортёр корхоналарнинг ноқонуний схемаларидан фойдаланиш ва ушбу схемаларни бартараф этиш ҳамда жисмоний шахслар томонидан тўловларни пластик карточкалари орқали амалга ошириш механизмини камайтириш, товарлар импортини амалга ошириб, хуфиёна фаолият юритаётган корхоналар фаолиятини таҳлил қилган ҳолда бартараф этиш чораларини кўришни такомиллаштириш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Бугунги кунда бир қатор олимлар ҳамда экспертлар томонидан мамлакатда хуфиёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда хуфиёна иқтисодиёт кўрсаткичларининг ўсиб боришига нисбатан турли ҳил илмий ёндашувлар илгари сурилади. Жумладан, шведиялик иқтисодчи олим К.Ф.Бескер томонидан хуфиёна иқтисодиётнинг ўзига хослиги, норасмий иқтисодиёт бозор иқтисодиётининг назорат қилиб бўлмайдиган қисми эканлиги таъкидланиб, улар рағбатлантиришнинг бошқа шакллари асосан товарлар ишлаб чиқаришлари ва хизматлар кўрсатишларини маълум қилган [2].

Бундан ташқари солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш амалиёти янгича услуб жиҳатида кириб келмоқда. Таҳлика-таҳлил тушунчаси Европа мамлакатларида “Risk Analysis” деб талқин қилинади. Шунинг учун бу жумлани кенгроқ тушунишга ҳаракат қиламиз.

Хавф (Risk): ҳаракат ёки воқеа ташкилотнинг ўз мақсадларига эришиш қобилиятига салбий таъсир қилиш таҳдиди ёки эҳтимоли.

Хавф таҳлили (Risk Analysis): солиқлар ва тўловларни солиқ тўловчиларни нисбий тартибда мунтазам равишда тортиш ва гуруҳлаш, уларнинг частотаси, эҳтимоллиги ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини (нима содир бўлиши, уни ким ва нима учун қилаётганлиги) аниқлаш.

Рискларни бошқариш жараёни (Compliance Risk Management process): солиққа риоя қилиш хавфини мунтазам равишда аниқлаш, баҳолаш, тартиблаш ва даволаш бўйича тизимли жараён [3].

Ж.Шумпетер икки турга бўлинишни таклиф қилади: ишлаб чиқаришда мумкин бўлган техник носозлик билан боғлиқ хавф ва тижорат

муваффақиятининг етишмаслиги билан боғлиқ хавф [4].

А.К.Покровский кўриб чиқиш учун хавфнинг таркибий хусусиятларини таклиф қилади: хавф, хавфга мойиллик, хавфга сезгирлик (заифлик), бошқа хавф-хатарлар билан ўзаро таъсир қилиш, хавф ҳақида мавжуд маълумотлар, хавф миқдори, хавф билан боғлиқ харажатлар (харажатлар), ўзига хослик хавфлар [5].

И.О.Логинова корхона хатарлари турларини иқтисодий фаолият соҳалари бўйича таснифлайди, ташқи ва ички муҳит корхона билан боғлиқ хавфларни таъкидлайди [6].

Е.А.Лаврентьева, А.И.Плотникова “солиқ таваккалчилиги” тушунчасини аниқлашда тўртта илмий ёндашувни ажратади:

- қонун ҳужжатларидаги ноаниқликлар, бу тушунмовчилик ва нотўғри талқин қилинишига олиб келадиган;

- солиқ муносабатлари (ташкилотлар ва давлат) иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида юзага келадиган салбий молиявий ва бошқа оқибатлар;

- солиқ таваккалчилиги, пул билан ўлчанадиган тасодифий ва тасодифий исталмаган йўқотишлар эҳтимоли сифатида кўриб чиқиладиган иқтисодий таваккалчилик тури;

- ташкилотлар учун солиқ, маъмурий, жиний жавобгарлик хавфи [7].

А.В.Бризгалин учта хавф гуруҳини аниқлайди:

- биринчи гуруҳ – солиқ ва ҳатто, жиний жавобгарликка тортишнинг аниқ таҳдиди;

- иккинчи гуруҳ – қонунчилик нормаларининг ноаниқлиги туфайли солиқ мажбуриятлари хавфи;

- учинчи гуруҳ – солиқ идоралари ҳалол солиқ тўловчига адолатсиз деб даъво қилганда, субъектив режанинг хавфи [8].

А.Э.Богданова суд қарорлари учун солиқ таваккалчилигининг беш таснифини таклиф этади:

- иқтисодий асослилик: қарам контрагентлар ёки компаниялар гуруҳининг фаолияти; иқтисодий имкониятдан маҳрум бўлган операцияларни амалга ошириш; компаниянинг харажатлари тегишли фаолиятни амалга оширишга ва даромад олишга йўналтирилмаган;

- тегишли текшириш: солиқ имтиёзларини асоссиз деб тан олиш; контрагентларни текширишнинг йўқлиги;

- бизнес мақсади: солиқ имтиёзларини бизнес мотивларидан маҳрум бўлган операциялар натижасида асоссиз деб тан олиш;

- битим нархи: бозорга мос бўлмаган нархларда битимлар; солиқ базасини имтиёзли компанияларга ўтказиш.

Трансакцион битим тузиш усуллари: солиқ тўловчи ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор битим-

лар тузиш орқали солиқларни минималлаштириш учун фуқаролик ва солиқ қонунчилигидаги ҳуқуқлардан фойдаланади [9].

Д.Н.Тихонов ва Л.Г.Липник қуйидаги солиқ хавфларини эътироф этишган: солиқ назорати, солиқ юкининг ошиши, солиқ характеридаги жиноий жавобгарлик. Ўз навбатида, солиқ назорати хатарлари доимий (солиқ органларининг одатдаги фаолияти доирасида) ва одатдаги (ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ёки жисмоний шахслар томонидан “сиёсий буюртма” таркибига кирувчи) солиқ назорати хавфларига бўлинади. Жиноий жавобгарликка тортиш хавфи солиқ қонунчилигини бузган ташкилотларнинг раҳбарлари учун жиноий иш қўзғатиш ва жиноий жавобгарликка тортиш эҳтимоли мавжудлиги билан боғлиқ [10].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида хуфиёна иқтисодиётнинг юзага келиш сабаблари ҳамда унга таъсир этувчи омиллар иқтисодий таҳлилининг анализ ва синтез, индукция ва дедукция каби анъанавий усулларида фойдаланилди. Хорижий мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари ва тадқиқотчиларининг хавфларни бошқариш тажрибаси илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди ва натижалари асосида хулосалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сонли фармони талабида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришга қаратилган тадбирлар ушбу соҳада ижобий иш тажрибасига эга халқаро молия институтлари (*Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Россия Федерал солиқ хизмати ва шу кабилар*) билан изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9-ойлигида қуйидагилар амалга оширилди:

Ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар. Солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларига енгилликлар яратишга қаратилган 13 та меъёрий ҳужжат қабул қилинди ва 12 та ҳужжат лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Қабул қилинган меъёрларда 14 та янги инструмент ва 3 та жавобгарлик белгиланган.

Хорижий валютадаги тушумни кечиктириш ҳолати учун қўлланиладиган молиявий жарима миқдори 2 бараварга камайтирилди (ЎРҚ-758-сонли қонун).

Касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун маъмурий жарима қўллаш амалиёти бекор қилинди.

Дебиторлик ва кредиторлик қарз муддатларини ўтказиб юборганлик учун маъмурий жарима қўллаш амалиёти бекор қилинди.

Солиқ ҳисоботларини солиқ органларига ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини банкка ўз вақтида тақдим

этмасликка оид ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш бўйича иш юритишнинг электрон тизими яратилди.

Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари (объектлар), яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш (таъсирчан солиқ механизми) бекор қилинди. Ҳисобварақ-фактуралар ёки назорат-касса техникаси чекларида олинган товарлар номенклатурасида ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттирганлик учун вақтинча молиявий жарима солинмаслиги белгиланди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш, сотиб олиш, қуриш, ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш ҳамда ўз устав фондиди шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни солиқ органларининг “Е-актив” ахборот тизимида акс эттириш 2023 йил 1 мартгача ихтиёрийлиги белгиланди (ПФ-162-сонли фармон).

Трансферт нархларни белгилашда солиқ хизматларини кўрсатиш ва солиқ назоратини амалга ошириш тартиби тасдиқланди (ВМнинг 111-сонли қарори).

Маркировка қамрови кенгайтирилди (дори воситалари ва маиший техника) (ВМнинг 148, 149-сонли қарорлари).

Маркетплейслар фаолияти ва улар томонидан электрон чек тақдим этиш тартиби тасдиқланди (ВМнинг 255-сонли қарори).

Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар тасдиқланди (ВМнинг 150-сонли қарори).

Соҳани рақамлаштириш натижалари. Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг кенг жорий этилиши натижасида 28,4 млн. та фактура орқали 938,5 трлн. сўмлик товар ва хизматлар реализацияси амалга оширилди ва кўрсатилган ҚҚС 101,3 трлн. сўмни ташкил этди. Бугунги кунда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи жами тадбиркорлик субъектларида 223,4 мингта он-лайн назорат касса машиналари рўйхатдан ўтказилди. 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда чек суммаларидан 1 фоиз миқдорида мукофот тўловларини амалга ошириш тадбирлари ҳам белгиланиб, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги субъектлар томонидан урилаётган чеклар миқдори қарийб 2 баробарга ошди (чеклар сони 201 %га, суммаси 188 %га). Жорий йилнинг тўққиз ойида савдо харидларидан 1 % миқ-

дорида кэшбэк суммасини қайтариш бўйича тўланган кэшбэklar 421 миллиард сўмдан ошди. Август ойи учун 787 937 нафар истеъмолчига 80,9 млрд. сўм кэшбэк тўланди.

Шунингдек, камчиликлар бартараф этилиши натижасида январь-июль ойлари учун яна 2,7 млрд. сўм кэшбэк тасдиқланди. Йил бошидан буён 1 168 591 нафар фуқарога 421,3 млрд. сўм кэшбэк тўлаб берилди. Маҳсулот ва хизматларнинг идентификация кодлари сони ҳозирги кунга келиб, 266 119 тага етказилди.

Электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали ҳар бир маркировкаланган маҳсулотнинг ҳаракатланишини кузатиш имконини яратиш мақсадида ЭХФларда маркировка майдонини мажбурий тўлдириш қондаси барча иштирокчиларга (*ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи, улгуржи ва чакана савдо корхоналари*) босқичма-босқич татбиқ этилмоқда (*бугунги кунда ушбу тизим 51 та алкоголь, 2 та тамаки ва 26 та пиво маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, 8 та алкоголь ва 4 та тамаки маҳсулотларини импорт қилувчи ҳамда 16 та тамаки, 125 та алкоголь ва 351 та пиво маҳсулотларининг улгуржи савдоси корхоналарида тўлиқ жорий қилинди*). Бугунги кун ҳолатига кўра 6 та дори воситаси, 5 та сув ва салқин ичимлик ҳамда 51 та маиший техникани ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан синов тарзда жами 66,0 млн. дона (*56,0 млн. дона – сув, 7,5 млн. дона – дори-дармон ҳамда 2,5 млн. дона – маиший техника*) рақамли маркировкаланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойлигида 567 та субъектда солиқ аудити ва ихтиёрий тугатиш юзасидан аризалар асосида 20 854 та якуний текшириш ўтказилди. Солиқ органлари маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда “Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш” тизими орқали солиқ ҳисоботларида камчилик мавжудлиги аниқланган 24 230 та корхона бўйича камерал солиқ текширувлари белгиланиб, 19 889 таси якунланган. Дастлабки текширув натижаларига мувофиқ 3 951,8 млрд. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланди. Шу билан бирга, солиқ хавфи суммаси 1 047,3 млрд. сўм бўлган 42 420 та корхонада аниқланган камчиликларни текширувларсиз бартараф қилиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Солиқ ҳамкор тизими орқали 18 503 нафар фуқаро томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида берилган хабарлари асосида 54,2 мингта шаҳобчада сайёр солиқ текширувлари ўтказилиб, тасдиғини топган 53,0 мингта ҳолат бўйича ушбу фуқароларга 25,7 млрд. сўм мукофот пули тўлаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ-758-сонли қонунига асосан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексга киритилган ўзгартиришга мувофиқ [11], МЖтКнинг 173-моддасига асо-

сан солиқ органларининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган, солиқ ҳисоботини тақдим этмаганлик учун юридик шахсининг раҳбари ёки яққа тартибдаги тадбиркор маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Банк ҳисоб рақамларини ёпиш” автоматлаштирилган ахборот тизимида “Электрон маъмурий қарор” модулини амалиётга жорий этиш тўғрисида” 276-сонли буйруғи қабул қилинди [12].

Ҳозирги кунда солиқ ҳисоботларини тақдим этмаган солиқ тўловчиларга нисбатан автоматлаштирилган тизим орқали маъмурий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Ахборот тизими орқали 2022 йил 14 октябрь ҳолатига июль-сентябрь ойлари мобайнида солиқ ҳисоботларини тақдим этмаган 5 845 нафар солиқ тўловчининг раҳбарларига нисбатан уларнинг шахсий кабинетига огоҳлантириш хабарномалари юборилиб, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган 30 кунлик муддатда бартараф этмаган тақдирда уларга нисбатан маъмурий жарима қўлланиши белгиланган. Белгиланган 30 кунлик муддатда 942 нафар солиқ тўловчига нисбатан МЖтКнинг 271-моддаси 11-банди билан иш юритиш ҳаракатдан тугатилган. Давлат солиқ қўмитаси, қурилиш соҳасида солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича комплаенс кампания амалга ошириш натижасида 2 679 та қурилиш корхоналарида солиқ текширувлари якунланиб, қўшимча 474,1 млрд. сўм солиқ ва жарималар ҳисобланди [11].

Хулоса ва таклифлар:

1. Солиқ кодексининг [1] 221-моддасини жисмоний шахсларга сотилган товарлари (хизматлари) учун тўловларни тўлов терминаллари орқали қабул қилмасдан, жисмоний шахсларнинг пластик карталарига (P2P) ўтказиш йўли билан савдони амалга оширганлик бўйича банд билан тўлдириш ва мазкур ҳуқуқбузарлик йигирма миллион сўм миқдорида жарима қўллаш бўйича жавобгарликка сабаб бўлишини белгилаш.

2. Солиқ кодексининг 138-моддасига камерал солиқ текширувини ўтказиш тартибига қуйидагиларни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш:

- текшириш муддати 30 кундан (иш кунидан) ошмаслиги;

- текшириш натижаси билан аниқланган ҳолатлар бўйича далолатнома расмийлаштирилиши;

- текшириш натижалари давлат солиқ хизмати органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан кўриб чиқилиши ва кўриб чиқиш якуни бўйича қарор қабул қилиниши;

- камерал солиқ текшируви якуни билан тузиладиган далолатнома ҳамда уни кўриб чи-

қиш учун солиқ тўловчига хабарнома юборилиши ва солиқ тўловчи келмаганда, мазкур хужжатлар унинг иштирокисиз тузилиши.

3. Солиқ кодексининг 158-моддасида назорат касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш юзасидан ўтказилган сайёр солиқ текширув материаллари даллатномаси тузилган кундан эътиборан уч кун ўтгач, лекин беш кундан кечиртирмай кўриб чиқилишини белгилаш. Агар бир текшириш доирасида солиқ тўловчининг бир неча шахобчаларида сайёр солиқ текширувлари ўтказилган бўлса, мазкур текшириш материаллари кўриб чиқиш, текшириш охириги шахобчада яқунланган

санадан бошлаб ушбу кодексда белгиланган муддатларда, уларнинг натижалари умумлаштирилган ҳолда кўриб чиқилади.

4. Солиқ кодексининг 223-моддасига товарлар, солиқ органларида ҳисобга қўйилмаган шартномалар асосида ижарага олинган ёки бепул фойдаланилаётган кўчмас мулк объектларида сақланаётган товар-моддий захиралар қолдиқлари санокдан (инвентаризациядан) ўтказилмайди ва солиқ солиш мақсадларида солиқ тўловчининг омборида мавжуд эмас, деб баҳолалини бўйича ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёт уйи, 2020. – 640 б.
2. Kristina F.V. *The Informal Economy march 2004*. Шведский Международный агентство сотрудничества развития SE-105 25 Стокгольма Швеция.
3. *Risk management guide for tax administrations. Fiscalis risk analysis project group (financial code: fpg/11) version 1.02 European Commission's Taxation and Customs Union Directorate General. (February 2006).*
4. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. / Й.Шумпетер. – М.: Изд-во Эксмо, 2007. – 864 с.
5. Покровский А.К. Риск-менеджмент на предприятиях промышленности и транспорта. Учеб. пособие. / А.К.Покровский. – М.: Изд-во Кнорус, 2011. – 160 с.
6. Логинова И.О. Оценка рисков промышленных предприятий. Методический подход. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. / И.О.Логинова. – Новосибирск: Изд-во Новосиб. гос. техн. ун-та, 2006. – 22 с.
7. Лаврентьева Е.А. Научные подходы к сущности управления налоговыми рисками в судходной деятельности. / Е.А.Лаврентьева, А.И.Плотникова. // Вестн. ГУМРФ им. адм. С.О.Макарова. 2015. Вып. 2 (30). С. 154-164.
8. Брызгалин А.В. Налоговые риски: осведомлен – значит, вооружен. / А.В.Брызгалин. // Налоговые споры. 2009. № 4. С. 13-17.
9. Богданова А.Е. Совершенствование управления налоговыми рисками, обеспечивающего экономический рост предприятия. / А.Е.Богданова. // Науч. тр. Вольного экон. общ-ва России. 2013. Т. 172. С. 417-426.
10. Тихонов Д.Н. Налоговое планирование и минимизация налоговых рисков. / Д.Н.Тихонов, Л.Г.Лип-ник. – М.: Изд-во Альпина Бизнес Букс, 2004. – 256 с.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 мартдаги ЎРҚ 758-сонли қонуни.
12. 2022 йил 9 сентябрдаги ““Банк ҳисоб рақамларини ёпиш” автоматлаштирилган ахборот тизимида “Электрон маъмурий қарор” модулини амалиётга жорий этиш тўғрисида” 276-сонли буйруқ.
13. Qurbanov, Z., & Isaev, F. Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*. 2017, (1), с. 321-328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
14. Исаев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // *Экономика и образование*, 2021, (6), с. 86-91. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
15. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишни такомиллаштириш. // *Экономика и образование*. 2021. № 4. С. 172-176.
16. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // *Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации*. 2017. С. 246-254.
17. Isaev, F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*. 2017, (6), 294-301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
18. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 2021.
19. Isaev, F. Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*. 2021,, (6), 326-333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
20. Исаев Ф. (2022). Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурати. // *Архив научных исследований*, 2 (1). Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
21. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // *Экономика и образование*. 2022. Т. 23. № 4. С. 190-196.
22. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиш методикаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*. 2022, 23 (5), 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
23. Isaev F. I. *Tax Accounting: Theory and Practice* // *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
24. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
25. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.